



AIFU



ХИТОЙ ТИЛИДА ТАОМ ДИСКУРСИГА ОИД СИФАТЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Дилшода Машраб қизи Маматова
Ўқитувчи
Тошкент Кимё халқаро университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: mamatovadilmamatova@gmail.com

Гульхон Отабек қизи Исокулова
Талаба
Самарқанд Давлат чет тиллари институти
Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур илмий ишда хитой тилида таом сифатларининг лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиниб, тажриба-синов тариқасида талабаларга тўйимли сифати иштирок этган бир қанча гаплар таржима қилиш учун берилди. Натижаларга кўра, талабалар бир қанча ҳатоликларга йўл қўйган.

78

Калит сўзлар: 有闻精彩, 佳, 美味, 味道好, таъм-маза сифатлари, беш таъм, таржима муаммоси

Таҳлилга тортилаётган биринчи гап таржимасида ўзбек тилидаги ажойиб таъми 鲜美的xiānměi de мазали сифатидан 7 та талаба ўз таржима ишида фойдаланган, 味道好吃 wèidào hào chī таъми мазали сўз бирикмасидан 2 та, 有味儿 yǒu wèi er мазали сифатидан 1та, 佳 jiā ажойиб - 12 та, 美味 měiwèi мазали - 10 та, 肴yáo газак1 та, 有闻精彩 yǒu wén jīngcǎi ажойиб таъми сўз бирикмасидан 1 та ҳамда 味道好wèidào hào таъми яхши таърифидан 16 та талаба фойдаланишган. 鲜美的xiānměi de сифатининг икки хил маъноси берилган:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун таъми яхши, мазали: 餐桌上摆放着鲜美的菜肴, 令人食欲大增 (Cānzhuō shàng bǎi fàngzhe xiānměi de càiyoáo, lìng rén shíyù dà zēng) – Стол устига ажойиб таомлар қўйилган, иштаҳани қитиқлайди.

2. Ўсимлик – сабзавотларнинг барралигини сифатлаш: 城市路旁的树上开满了鲜美的花朵 (Chéngshì lù páng de shù shàng kāi mǎnlè xiānměi de huāduǒ) Шаҳар кўчалари энди ғунча очган дарахтлар билан тўлган.

鲜美的xiānměi de мазали сифати юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, озиқ-овқатларнинг таъмини ажойиблигини билдиришда қўлланилиши ва ўзбек тилида берилган “Денгиз ўтлари Хитойда энг машҳур таомлардан бири бўлиб, енгил, тўйимли ва ажойиб таъмга эга” гапидаги ажойиб сўзига

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

тўлақонли равишда мосдир. Бу сифатдан фойдаланиб, таржима қилинганда, гап аслиятга адекват қайта яратилар эди.

味道好吃 wèidào hào chī таъми мазали сўзи 味道 wèidào – таъм (от сўз туркумига оид сўз) ва 好吃 hào chī (сифат сўз туркумига оид сўз) сўзлари сўзма-сўз таржима қилинганда, таъми мазали деган маънони англатади. Таржимон ёзма таржима жараёнида ҳар бир сўзни иккинчи тилга ўгираётганда, нутқий ғализлик, услубий хатолик келиб чиқмаслиги учун тўғри таржима қилиши талаб қилинади. Таъмнинг ажойиблигини ифодалаш учун оддийгина қилиб味道好吃 wèidào hào chī – таъми яхши, сўз бирикмасини оғзаки услубда қўллаш мумкин, аммо бу таржимада таъм сифатининг сенсорик бўёғи пасаяди. Эксперимент-таҳлилда ўз таржима иши билан қатнашган битта талаба таомнинг таъмини билдириб келувчи ажойиб сифатини 有味儿 yǒu wèi ег таъми бор сўзи билан ифодалаган: 紫菜是中国最受欢迎的菜肴之一, 清淡 (无热量)、营养丰富、菜有味儿。 - Бу гаптаги 有味儿的菜 бирикмаси ёқимсиз ҳиди бор таом маъносида ҳам, мазали маъносида ҳам англашинилиши мумкин, чунки有味儿 yǒu wèi ег таъми бор сўзи 汉语词典 (Hànyǔ cídiǎn) онлайн луғатида уч хил маънода ишлатилиши келтирилади:

1) Мазали – деб таржима қилиниб, таом мазасининг яхшилигини ифодалайди: 这菜真有味, 我爱吃 (Zhè cài zhēnyǒu wèi, wǒ ài chī)。 - Бу таом жуда мазали, уни севиб истеъмол қиламан.

2) Ҳидли – озиқ-овқат маҳсулотларининг ёмон ҳидли эканлигини билдиради, вақти ўтган, ачиган, айниган маъноларида таомларга таъриф берганда кўпроқ қўлланилади: 饭有味了, 吃了会闹肚子的 (Fàn yǒu wèile, chīle huì nàodùzi de) – Таом бироз ачиган, есангиз қорнингиз оғриши мумкин.

3) Ажойиб – қизиқарли ва ўзига хослигини англатади: 这幅小品画很有味儿 (Fàn yǒu wèile, chīle huì nàodùzi de) – Бу кичик расм жуда ўзига хос.

有味儿 yǒu wèi ег сифатини ҳар уч ҳолатда ҳам қўллаш мумкин. Таомга нисбатан қўлланадиган “мазали” маъноси оғзаки услубда ишлатилади, ёзма услубда қўллаш нутқий ғализликни келтириб чиқарганлиги, шунингдек, 有味儿 yǒu wèi ег сифатининг ачиган таом маъноси ҳам борлиги учун бу ўринда 鲜美的 xiānměi (ажойиб) сифатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таҳлилга тортилаётган биринчи гап таржимасида ўзбек тилидаги ажойиб таъмини 12 та талаба 佳 jiā ажойиб сифатидан ажойиб маъносини ифодалашда фойдаланган. Байду расмий сайтида келтирилишича, сифат сўз туркумига оид сўз бўлиб, чиройли, гўзал, ёқимли, суюкли, бахтли маъноларида англатади. Хитойнинг машҳур файласуфи Лаози бу сўзни 佳兵者不祥 (jiā bīng zhě bùxiáng) идиомасида ҳатто энг зўр аскар ҳам бахтсизликка учраши мумкин маъносида қўллаганлигини кўриш мумкин. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, таомлар таърифининг ажойиб эканлиги билдирувчи маъно 佳 jiā сифатида мавжуд эмаслиги, талаба сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланганлигини аниқланди.

Юқоридаги гапни таржима қилишда ажойиб сифати 12 та талаба томонидан 肴 yáo (газак) от сўз туркумига оид сўз билан хатб таржима

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

қилинган, чунки Хитой тили онлайн луғатида келтирилишича, 肴 yáo – от сўз туркумига оид сўз, қуритиб дудланган гўшт, гўштли таом каби маҳсулотларни англатади. Масалан, Сима Гуангнинг “Таъм тежамкорлиги ва саломатлик кўрсаткичи” асарида 肴止于脯、醢、菜羹(肴,下酒的菜) (Yáo zhǐ yú pú, hǎi, cài gēng (yáo, xià jiǔ de cài) – Деликатес дейилганда қуритилган гўшт, глютенли гуруч ва сабзавотли шўрва назарда тутилади – мисолидан ва юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, 肴 yáo сўзининг ажойиб деган маънода қўлланилмайди деган тўхтамга келдик.

Таҳлилга тортилаётган биринчи гап таржимасида ажойиб таъм таърифини таржима қилишда битта талаба 有闻精彩 yǒu wén jīngcǎi ни қўллаган. Бирикмадаги 有闻 yǒu wén сўзи феъл сўз туркумига оид сўз бўлиб, эшитмоқ деган маънони англатади. 精彩 jīngcǎi ажойиб, сифат сўз туркумига оид сўз бўлиб, спектакллар, кўрғазмалар, нутқлар, мақолаларга берилган таърифларда зўр, ажойиб ёки баъзи жиҳатлари кутгандан ортиқ маъноларида қўлланилади. Гарчи, 精彩 jīngcǎi ўзбек тилидан хитой тилига таржима қилинганда, ажойиб маъноси мавжуд бўлса-да, аммо 精彩 jīngcǎi сифатининг семантик доираси чегараланган бўлиб, таом мазасини, кўриниши ёки шаклини ифодалашга қўлланилмайди. Хорижий тилни ўрганувчи талаба интерференция ҳодисаси натижасида сўз қўлашда чалкашликка йўл қўйган. Натижа, шу сўз функциясини бажарувчи 精彩 jīngcǎi сифатидан фойдаланган. Фикримиз исботи сифатида 《文选·宋玉》：“目略微盼，精彩相授。” 李善注：“精神光采相授与也”(Wénxuǎn·sòng yù)：“Mù lüèwēi pàn, jīngcǎi xiāng shòu.” Lǐ shàn zhù: “Jīngshén guāng cǎi xiāng shòuyǔ yě) Сонг Ю “Танланган асарлар” китобида: “Бир оз олдинга қараб, бир-бирингизга ажойиб совға қилдик” ҳамда Ли Шаннинг эслатмаси” асарида “Бир-бирингизга руҳий ёрқинлик келтиринг” гапларида 精彩 jīngcǎi сифати ёрқин ва ажойиб маъносида совға ва руҳий ёрқинлик маъноларини англатиб келганлигини кўришимиз мумкин.

80

Таҳлилга тортилаётган биринчи гап таржимасида 16 та талаба таъмининг яхшилигини ифодалаш учун 味道好 wèidào hào – таъми яхши бирикмасидан фойдаланиб сўзма-сўз таржима қилишган. Аслиятда эса ажойиб сифати қўлланган. Агар 好 hǎo сифати яхши деб таржима қилинадиган бўлса, таржимада бўёқдорлик пасаяди.

美味 měiwèi сифати Хитойча онлайн луғатида келтирилишича, ширин, мазали, ёқимли таъмга эга маъноларида қўлланилади. Қуйидаги гапларда мазкур сифат ширин ва мазали маъноларини билдириб келмоқда:

瞧瞧那些看起来很美味的西红柿 (Qiáo qiáo nàxiē kàn qǐlái hěn měiwèi de xīhóngshì) – Қара, ана у помидорлар кўринишидан жуда мазали.

美味的黑巧克力味女人无法抗拒 (Měiwèi de hēi qiǎokèlì wèi nǚrén wúfǎ kàngjù) – Ширин қора шоколадни аёллар рад эта олишмайди.

Таҳлилга тортилаётган биринчи гап таржимасида ажойиб таъм маносини бериш учун 10 та талаба 美味 měiwèi сифатидан фойдаланган, аммо таҳлилга кўра, 美味 měiwèi сифатининг фақатгина ширин ва мазали маъноси бор ва таржима жараёнида талабалар бу сифатни лексик-семантик эквивалентлик усулида таржима қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

1. Г.Одилова. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти (глуттоник дискурс мисолида). Филол.фанлари.доктори.дисс.Тошкент: -281.б.
2. 新陶然, 良岳中, 张志东 现代汉语形容词辞典。- 中国国际广播出版社, 1995年。-北京, 页231
3. <https://baike.baidu.com/item>
4. <https://baike.baidu.com/item/精彩/81323>
5. <https://en.wiktionary.org/wiki/好>
6. <https://baike.baidu.com/item/美味>
7. <https://context.reverso.net>
8. <http://xh.5156edu.com/html3/13870.html>
9. <https://www.leleketang.com/zidian/肴>
10. <https://zhidao.baidu.com/question/684921000273642172.html>
11. <http://www.ichacha.net/hy有味儿/有味>
12. <https://baike.baidu.com/reference/4636435/>
13. <https://baike.baidu.com/item>